— Хабаримиз бор, Сиз ўн саккиз йил давомида тумандаги олтита ҳўжаликка раислик қилгансиз. Сабаби — ҳар сафар қолоқроқ ҳўжаликга ўтиб, уни оёққа турғазига ҳўғри келган. Мана энди санация рўйхатига тушган ягона ҳўжаликка январнинг ўрталаридан бошлаб ташқи бошқарувчилик қияласиз. Бу ўзинингнинг ташаббусингизми ёки... — Очинини айтсам, раислик хотиржам ишлайдиган, ҳўзур қилиб яшайдиган амал эмасди илгари. Юқоридан буйруқ, қўрсатма, топшириқ кўп бўларди. Ишлаб чарчамасдик-ку, аммо ўша кўр-кўрона кўрсатмалар асабларни қажқатиб, тинкани қуриратди...

Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди

— Дароқе, ўша пайтларда Сизни «қайсар раис» дейишарди... — Ҳа, шунча эди. Юқоридан буладиган топшириқларнинг кераклисини, маъқулни бажарардик. Бугега ишимизни олиб қилаверардик. Бизнинг ҳўқимиз йил якунида аён бўларди. Аммо бугунча аштираганимизни аштардик. Шундан бариб ўз билганимиздан қолмасдик. Энди замон ўзгарди. Жамоаларга, жумладан, раҳбарларга яна эркинлик берилди. Тўрт йилча бурун чарчадим, деб раисликни йиғиштириб қўйдик. Санация масаласи чиқди-ю, туман раҳбарлари ўша мени ўртага олишди. Аввалига «менинг ёшимда хотиржамлик керак, энди тинч қўйинлар», деб кўнмовдим. Юқоридан катта раҳбарлар ҳам аралашгач, рози бўлдим. — Ҳўжаликни қабул қилиб олгач, ишни нимадан бошладингиз? — Карорда бошқарув тизимини ўзгартириш, бошқача қилиб айтганда, идора штатини қайта қўриб чиқиш ҳамда мўлка эгаллик шаклини ижара, ширкат, оила пудрати каби усулларидан мақбул деб топилганга алмаштириш асосий талаблардан бири қилиб қўйилган. Биз ҳам аввало шунга амал қилдик. Мен ташқи бошқарувчи қилиб тайинланган пайтда идорада штат жадвали 60 кишидан иборат экан. Мўлжаллаб қўриб, 37та лавозимни бекор қилдик. Фақат 23тасини сақлаб қолдик. Шунинг ўзидан бу йил 1 миллион 250 минг сўмини тежаб қолдик. Кўп йиллик тажрибадан маълумки, ҳўжалик тизимининг эрга чинкаман эгаллик ҳиссини ўйотадиган энг маъқул шакли оила пудрати ҳисобланади. Ҳўжалик аъзолари бизнинг бу фикримизни яқдиллик билан маъқуллашди. Шундан сўнг пахта учун ажратилган 1500 гектар ерни 500 оилага, 840 гектар галларни 79 оилага, 144 гектар эски оқинарли майдонини 12 оилага бириктириб, улар билан шартнома тўзиди. Биз яна бир нарсани ҳисобга олдик. Санация — бу жиддий иш. Агар шу синовдан ўта оласак, ҳўжалик сақлаб қолишимиз мумкин. Акс ҳолда у банкрот деб эълон қилиниб, тугатилди. Ана шунини одамларга тушунириш керак эди. Биз буни...

ЖАЛКАРО ХАЁТ

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ҚИСҚА САТРАЛАРДА

● РФ ҳўқумати раиси Е. Примаков Хиндотга сафар қилди. ● УТАҒАН ҳафта охирида Польша бош вазири Ежи Бузек амалий ташриф билан Литвага келди. Унинг президент Валдас Адамкус, парламент раиси Витаутас Ландсбергис ва бошқа расмий кишилар билан уршувларда икки томонлама муносабатлар, Оврупо иттифоқи билан ҳамкорлик, НАТОнинг кенгайиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. ● РОССИЯНИНГ Санкт-Петербург шаҳрида қўнғинчилик мажлиси депутатлига сайловларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Аввалиги босқичдаги овоз бериш пайтда ачгинача фибрибгарликлар рўй берган эди. Марказий сайлов комиссияси навбатдаги «довоннинг осийишта ўтганлигини таъкидлади. ● БУЮК БРИТАНИЯ лордлар палатасининг махус комиссияси Аугусто Пиночет ардо-

Дўстлик муродга ЕТКАЗАР

ШУ НАРСА эътиборга сазоворки, кейинги пайтда Хиндотн ҳўқумати ўзига қўшни бўлган мамлакатлар билан муносабатларини янгича ижобий изга солишга ҳаракат қилмоқда. Зотан, шу йилнинг май ойида ядровий қуроллар синовлари ўтказилганидан сўнг Хиндотннинг дунёдаги обрўсига бироз пугур этган эди. Эндиликда ана шу доғларни кетказиш учун Атал Биҳари Ваджал бошлиқ ҳўқумат қатор саъй-ҳаракатлари амалга оширмоқда. Мамлакат ташқи ишлар вазириги вакили Жасван Синх куни кеча яна бир хўшхабар тарқатди. Унинг айтишича, Хиндотн ҳўқумати Хитой билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга, шунингдек, икки давлат ўртасида чегара мोजорларини тинч-сийсий музокаралар йўли билан ҳал этишга тайёр. Мазкур ҳатти-ҳаркат ядро синовларидан сўнг Хиндотн-Хитой мулоқотларида юмшатишга қаратилган биринчи уриниш бўлди.

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пекинда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳўқуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Мажлисда юқори даражадаги ташрифлар алмашинуви ва олий даражадаги икки томонлама уршувлар давомида имзоланган шартномалар уларнинг узоқ мuddатли, барқарор ва муваффақиятли ривожига мустаҳкам асос бўлгани таъкидлаб ўтилди. Икки томонлама ўзаро фойдали савдо-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштиришнинг самарали йўналиши Хитойнинг йирик корпорациялари ваколатхоналарини таъсис этиш ва қўшма корхоналар тузиш эканлиги эътироф этилди. Ҳозирда улардан ўн таси алоқалар Ҳўзбекистонда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Мажлисда хитойлик тадбиркорларнинг Ўзбек фирми ва компаниялари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқувчанлиги қўйиб таъкидлаб ўтилди. Уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестициялар учун қўлай иқлим, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик жалб этмоқда. Таъкидлаб ўтилдики, мамлакатнинг катта илмий-техникавий ва иқтисодий салоҳияти, ўтказилаётган ислохотларнинг самараси Ўзбекистон-Хитой сав-

САВДОДАН ОЛДИНГИ «САВДО»ЛАР

ГРЕЦИЯ ҳўқумати кейинги пайтларда ўзининг ҳарбий қуроллари қудратини оширишга алоҳида эътибор бера бошлади. Шу мақсадда қуролли қучлар жанговарлигини пухталаш учун ҳарбий самолётлар сотиб олишга 1,5 миллиард доллар миқдоринда маблағ ажратилган эди. Айни кунларда Франциянинг «Мираж-2000-5», АҚШнинг «Ф-15» ва «Ф-16», Россиянинг «СУ-27» самолётлари бу тендерда ютиб чиқиш учун ўзаро қаттиқ рақобатлашмоқдалар. Мазлум бўлишича, Греция ҳарбий ҳўжа кучлари учун қўрувчи самолётлар сотиб олиш тўғрисидаги ҳал қилувчи қарор ташқи ишлар ҳамда мудофаа бўйича ҳўқумат кенгашининг 1999 йил январь ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида қабул қилинади.

ЖАКАРТАДА ҲАМОН ЖАНЖАЛ

ИНДОНЕЗИЯ пойтахтида ҳўқуматга қарши ўтказилаётган оммавий намойишларнинг кети узилмай қолди. Кейинги пайтда одамлар осийишта кунларга зор бўлмоқдалар. Кунда-кунро бўлиб турган тўс-тўполонларда, айнқса, ёшлар, ўқув масканларининг талабалари фаоллик қўрсатмоқдалар. Улар президент Ҳабийнинг истеъфого чиқишини, собиқ президент Суҳарто-

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС...

ДУНЁДАГИ энг катта давлатлардан бири — Америка Қўшма Штатлари президентининг Яқин Шарққа ташрифи ўтган ҳафтанинг энг катта воқеаларидан бирига айланди, дейиш мумкин. Зотан, бу минтақада барқарор тинчлик ўрнатиш жараёнига янги туртки бериш унинг асосий мақсади эди. Бирок, мазкур сафар бошиданок қўнғинчи бўлмади. Чунки, Б. Клинтоннинг дастлаб Фаластин мухториятининг Фазо минтақасига келишига исроилликлар бироз «рашк» билан қарадилар. Фаластинликлар эса бу ташрифга салкам ўз давлатининг тан олинини, деб баҳо бердилар.

АҚШ давлат бошлғининг сафари арафасида ҳам араблар билан исроиллик маъмурлар ўртасидаги «урқалтақ, сурқалтақ» лар давом этди. Урду дараёсининг Фарбий соҳилидаги аҳоли масканлари тўқнашулар майдонига айланди. Фаластинликлар тошбўрон қилишарга зўр берди. Исроил аскарлари эса уларни режанича ўқлари ёмғирига дучор қилдилар. Оқибатда турт нафар фаластинлик йиғит ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳатланди. Мазлумки, жорий йилнинг октябрида АҚШда Б. Клинтон эвстабиллигига Исроил ва Фаластин раҳбарларининг музокаралари ўтказилиб, қатор муаммолар юзасидан кели-

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГўШАЛАРИДА

ДАВОСИ ШУНЧАЛИК ОСОНМИ? ● ИЙГИРМА минг эрмак зоти устида тажриба ўтказган Америка олимлари бир ҳафтада бир марта баликдан тайёрланган таом еган киши инфарктага йўлиқиш хавфини икки марта қисқартиради, деган хулосага келдилар.

МИЗГИГАН МИРИҚАДИ

● ФРАНЦИЙЛИК шифокор олим Бруно Комбининг айтишича, тушлик овқатдан сўнг жилла кўрмаса икки дақиқа мизғиб олган одам жисмонан анча бардам бўлиб қолар экан. Буни яхши тушушган хитойликлар мазкур қониди қўниёт тасомилга айлантирганлар. Лекин, мудраш мuddати 30 дақиқадан ошмаслиги лозим.

ДўЛАНА ВА ЮРАК

● БОЛГАР олимларининг тадқиқотлари галати бир кашфиётга...

томони эса қўшинларни олиб чиқиб кетиш битидада қўзда тутилган мuddатларда янги ўтган жумгача тугаши мушқуллигини билдирди. Фаластин миллий харитиси дастуридаги Исроилни йўқ қилиш тўғрисидаги бандиңг бекор қилиниши етарли эмас, Е. Арофат янаги йил май ойида мустақил Фаластин давлати тузилганлигини эълон қилиш ниятидан воз кечиши керак. Боз устига Фаластин полициячилари лозим қисқартирилиши сонми...

Кискасми, бахсларнинг даҳанаки жанга айлинишига сал қолди. Оқибатда натижа қутлигинидек бўлмади. Орадаги гайриқур хотиमा топмади. Гарчанд АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним Куддусда журналистлар билан бўлган қўрушувда Ок уй маъмурияти «Уай битими»да қўрсатишган мажбуриятлар ўз вақтида бажарилишига умид қилди, деган бўлса ҳам, жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳларининг фикрича, Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатиш муаммоси жойидан қимирламади. Буни эски ҳаммом, эски тос, дейдилар...

ОФАРИН-3...

● АМЕРИКАЛИК корчалон Бойд Мак-Картни таржimai ҳоли билан танишган одам «е алқазар», деб юбориши ҳеч гап эмас. Чунки, 1989 йилда унинг буйраклари жарроҳлик йўли билан даволанди. Буйрақлар маймуннинг буйрақлари билан алмаштирилди. Шу йили унинг жигари ўрнига ёш бўрининг жигарини қўйишга тўғри келди. Бойд 1991 йилда инфаркта йўлиқди. Урғочи чиябўрининг юраги уни ўлимдан сақлаб қолди. Кейинроқ унинг бир кўзи қорачиқ ўрнига мушқунки қўйилди. 1994 йилда Бойднинг миясис териси уй чўчқасидан олинган «парча» билан алмаштирилди. Б. Мак-Картни ҳамон яшашини давом эттирмоқда. Юқоридаги операцияларнинг ҳаммасини швед олимлари амалга оширганлар. Уларга таҳсин айтмай бўладими?!

Сўхбатдош: АБДУСАМАД ЙўЛДОШЕВ.

Унутилмас сиймолар

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ МУСИКАНИ ЖУДА ЯХШИ КЎРАДИ, — деган эди Муҳиддин Қориёқубов. — Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Фарғонада хушбоз хонандалар кўп. Фарғона эса худди Италиядек — халқ мусикаси ўша ердан таралади... Биз мусиқа санъатини ўрганишимиз билан бирга ўзимизнинг миллий опера мизини ҳам яраттишимиз керак».

Ҳақиқий миллий опера театрини яратиш орзуси М. Қориёқубовда ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. У 20-30-йиллардаёқ Оврупо мусиқа ва театр маданияти билан яқиндан таниш эди. Чунинчи, у 1922 йилда таълим олгани Москвага жўнайдди. Лекин қарақли назарий билим етишмаганлигидан уни консерваторияга олишмайди. Бироқ у ўз максадидан қайтмай, машҳур рус режиссёри В. Э. Мейерхольд бадий раҳбарлик қилган театр студиясига ўқушга киради. Қориёқубов келишган баланд комети, очик чехраси, кўлами кенг ширали овози, ўткир ижодий тафаккури ҳуллас, ўзининг бутун сахнавий жозибалиги билан Мейерхольднинг мафтун қилди. Орадан кўп ўтмай устоизнинг тавсияси билан театр санъати олийгоҳига кирди. У ўқиб жараёнида шу қадар яхши натижаларга эришдики, 1923 йилдаёқ

У САНЪАТ ФИДОЙИСИ ЭДИ

Маяковский, Мейерхольд, Асеев, Южин, Обухова каби жаҳонга таникли санъаткорлар билан концертларда қатнашди. Бу концертларда Қориёқубов биринчи бўлиб рус шинавандларини ўзбек кўшиқлари билан таништирди, миллий шэриятимизнинг чуқурлигини, нафислигини, қуйларимизнинг жозибалиги ва оҳангдорлигини моҳирона очиб берди. Туркистон ҳўкумати истеъдодли санъаткорнинг бу хизматларини юқори баҳолаб, 1923 йилнинг августда унга «Туркистон Республикаси халқ ҳофиси» деган фахрий унвон берди.

1925 йилнинг иккинчи ярмида Қориёқубов бир қанча машҳур рус артистлари билан ярим йилча Париж, Берлин ва Оврупонинг бошқа шаҳарларида ижодий сафарда бўлди. Унинг билан бирга ўша даврда Москва ракс билим юртида таълим олаётган Тамарахоним ҳам бор эди. Ҳақиқат таълим олаётган Тамарахоним билан ҳам бир йилда Парижда бўлишган бўлиши билан ҳам унинг ижодий муносибати юқори баҳолаб, 1923 йилнинг августда унга «Туркистон Республикаси халқ ҳофиси» деган фахрий унвон берди.

ган машҳур рус классик композитори С. Рахманинов ҳам қойил қолган.

Муҳиддин Қориёқубов Оврупо бўйлаб қилган ана шу ижодий сафарда опера — бадий ижодиётнинг энг мураккаб ва юксак шакли ҳамда бу санъат тури ҳар бир халқнинг миллий маданияти рамзи эканлигини чуқур англаб, ўзбек миллий опера театрини барпо этиш фикрига келди ва шунга эришиш йўлида бор кучини, ғайратини сафарбар қилди.

Ижодий сафарлардан сўнг Қориёқубов ва Тамарахоним ўқини тугатиб 1926 йилда Тошкентга келиши ва ўшандаёқ ўзбек давлат этнографик ансамбли тузилди. Қориёқубов шу ижодий гуруҳнинг директори ва бадий раҳбари этиб тайинланди. Ансамбл концерт беришдан ташқари ўзбек классик мусикасини, нодир халқ ашула, ракс ва қуйларини тўплаш билан ҳам шуғулланди. Бир йилдан сўнг маъзур даста Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга ижодий сафарга чиқиб, катта муваффақиятга эришди. Шу ижодий жамоа заминида Ўзбекистон ҳўкумати қарори билан 1929 йил 1 май кунини ўзбек давлат мусикали театри очилди.

Ўзбек миллий опера санъатини вужудга келтиришни тезлатиш максадига 1925 йилда Москвада ўзбек опера студияси барпо этилди. Бунга М. Қориёқубов раҳбарлик қилди. Икки

йил деганда студия ўз натижасини берди. Ўзбек мусикали театри шу қадар тез ривожландики, ўттинчи йилларнинг охирига келиб у опера ва балет асарларини қўя олиш даражасига кўтарилди. Бу борада Қориёқубовнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, у миллий ашулалчилик санъатимизнинг шаклланиши ва ривожланиши масаласига ғоят катта эътибор берди.

Студиядан сўнг Қориёқубов мусикали театрда ижодий илмини давом эттириб, бир қатор аjoyиб образлар яратди. Хисрав, Ер-Маргин, Улугбек, Маҳмуд Торобий шулар жумласидан. Қайси тимсол бўлмасин, хоҳ катта, хоҳ кичик, моҳир санъаткор ҳар бирининг ижтимоий моҳиятини, миллий руҳини, ўзига хос қиёфаси ва феъл-атворини очига интилди. Спектаклларда иштирок этиш билан бир қаторда концерт фаолиятини ҳам фаол давом эттирди.

Муҳиддин Қориёқубов умрининг охиригача опера санъатининг миллийлиги учун жонбошлик қилди. У шу боис миллиятчиликка айланиб, ижоддан четлаштирилди, ҳатто жазоланди ҳам... Аммо у ўзи танлаган йўлдан қайтмайди — санъатимизнинг миллийлиги учун курашини давом эттирди. Қориёқубов ўзбек мусика театрининг пойдеворини қурганлардан бири сифатида, моҳир санъаткор ва аjoyиб ташкилотчи сифатида миллий маданиятимиз тарихидан муносиб ўрин олган.

Фрунзе ЖўРАЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.



БОЛА БОРКИ, ДУНЁ БОР...

ВИЛОЯТИМИЗДА уч йилдирки, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича махсус дастур амал қилмоқда. Унга кўра ҳар йили икки марта туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилади.

Ана шу асосдаги ишлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими томонидан рўёбга чиқмоқда ва самаралар бермоқда.

Дастурдан ўрин олган режалардан яна бири туғруқ мажмуаларини ташкил этиш эди. Бу борада чирчиқликлар қадамни анча олдин ташлашди. Шаҳарда фаолият кўрсата бошлаган марказий туғруқхонада айни пайтда 41 нафар малакали шифокорлар, кўплаб ҳамширалар оналарга хизмат кўрсатмоқдалар. Суратларда: (юқорида) чақалоқлар бўлими шифокори Шарифа Абдурахмонова; (навбатдаги кувонч).

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.



МУХЛИСЛАРНИ ШОД ЭТИБ



«Ўзбектелефильм» студиясида суратта олинган «Чархпаак» видеofilmи илк қисмлариданоқ мухлисларда катта қизиқиш

уйғотди ва унинг давомини томошабинлар орқали ифодаланган. Режиссёр Ш. Жуваорзиқиб кута бошлади. Дуллаев муаллиф Ш. Бошбеков гоёларига содиқ қолган ҳолда инсоний фалсафани олдинга олиш яқунланди. Чархпаак Асар давомида фильм айланаверади, умр тақдирлари ҳам чарчи дунёда ўз ўрни-қизиқарли воқеалар, ни топтоғи лозим. ҳаяжонли тасвирлар

(ЎЗА).

ТАМАРА ОПАНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

ТАМАРА Бўсинова анчагина илгари агарда ишларим юришиб кетса, мен, албатта, кўпроқ савобли ишларга кўл ураман, деб кўнглига тугиб қўйган эди. Нияти йўлдоши бўлди. Мустақил бўлганимиздан сўнг эса хусусий дўкон очди, у ерда ўз фарзандлари, келинлари, набиралари, хешлари билан биргаликда ишлаб, эл-юртга танилди.

Бугунги кунда савдо соҳасида қирқ йилдан буюр фаолият кўрсатиб келаётган бу онахонни бўқалиқлар саховатли, меҳр-муруватли, оқиба тили онахон сифатида хурмат билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Бирон йил йўқки, онахон саховат кўрсатмаган бўлсин. Ҳар йили Наврўз, Мустақиллик байрамларида, албатта, тумандаги мактабларда бўлади, болаларга, ночорларга совға-саломлар улашади. Айниқса, у кам-харж оилаларга, уларнинг фарзандларига алоҳида эътибор беради, мурувват

тўплам «Дил навоси» сарлавҳаси билан китоб қилиб босиб чиқарилди. Опанинг ўзи бу китобдан бир дастасини олиб, мактабларга, йирик-йирик ташкилотларга бориб бепул тарқатиб чиқди.

Маҳаллада, яқин ўртада тўй-маърака қилувчилар энг аввало опанинг химматига умид боғлайдилар. Чунки Бўсинова бундайларга озиқ-овқат ва бошқа керакли махсулотларни одатдагидан 15-20 фоиз арзонга сотади.

Умуман, унинг шахсий дўконига нарх-наволар бошқа савдо корхоналарига қараганда анча арзонлиги учун ҳам бу ер харидорлар билан доимо ғажув бўлиб туради. Элимизда саховатпеша, меҳридор эшбилармонлар кўпаяверсин.

Н. РИХСИЕВ.

САХОВАТ

ўзи бош бўлиб ўтказиб берди. Онахоннинг дўгоналари ҳам қараб туришмади. Улар тўйига той ясапти келдилар.

Бундай савобли ишлар кўп. Бўқалиқ шоир Арслон Умаровни кўпчилик яхши билади. У ҳаётлик пайтида ёзган шеърларини жамлаб тўплам қилиб қўйган экан. Тамара опа хомийлигида бу

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

КУЧЛИ ЎНЛИКНИ ЭГАЛЛАШ ОСОН БЎЛМАДИ



БАНГКОК. (журналистлар С. Осонов ва Х. Акбаров хабар қилди).

Кўни кеча Бангкок марказий стадионида XIII Осиё ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Таиланд шахзодаси Махават Жилалонкорн ва Осиё олимпия кенгаши

раиси Аҳмад Ас-Сабоҳ яқунловчи нутқ сўзлади. Осиё ўйинлари байроғи навбатдаги ўйинлар мезбони — Корея республикаси делегациясига тантанали равишда топширилди. Мусобақалар тугашига уч кун қолганида республикамиз вакиллари умумжамоа ҳисобида кучли ўнликдан тўрт поғона пас-та тушиб қолган эди. Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия каби мамлакатлар вакиллари ўзбекистонликлар иштирок этмаётган спорт турлари бўйича олтин медал олиб, кучли ўнликка

кўтарилган эди. Хайриятки, охириги мусобақаларда вакилларимиз кетма-кет муваффақиятга эришди. 18 декабрь кунини боксчиларимиз иккита, ўн курашчиларимиз битта олтин медал олиб, жамоамиз тўққизинчи ўринга кўтарилди.

Баҳсларнинг охириги кўни — 19 декабрда Е. Петин уч хатлаб сакраш, С. Войнов найза улоқтириш, Ольга Самойленко тўсиқлар оша 100 метр масофага югуриш бўйича медаллар учун кураш олиб борадиган кучли саккизликда баҳсларини давом эттирди. Ёш спорт-

чи Е. Петин бешинчи натижани кўрсатди. О. Самойленко саккизинчи ўрин билан чекланди. Ўша кунини эрталаб академик эшак эшувчиларимиз ҳам совринли ўринлардан маҳрум бўлган эди.

С. Войнов охириги уринишда эришган 79 метр 70 сантиметр натижага эса ҳеч ким етолмади. У биринчи, Хитой ва Япония вакиллари 2-3 ўринларини эгаллади. Умумжамоа ҳисобида тўққизинчи ўринга чиқди. Лекин, кенга яқин ҳиндистонликлар биллиард бўйича бир олтин

медал олиб, 9-ўринга кўтарилди. Ватерполчиларимизга кумуш медалга насиб этди. Республикаимиз терма жамоаси бта олтин, 22та кумуш, 12та бронза; жами — 40та медални қўлга киритиб, турнир жадалининг ўнинчи поғонасини эгаллади. Биринчи ўрин Хитой жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларда — Жанубий Корея ҳамда Япония вакиллари.

(ЎЗА).

Хамза туманидаги «ТИЛЛА АЛЕКС» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Фарғона йўли кўчаси, Халқа йўли 1.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-мактаб томонидан Халилов, Баҳром Абдувалиевич номига берилган О'Ф — Д 463943 рақамли йўқолган ГУВОНМОА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Об-хаво АЙРИМ ХУДУДЛАРДА ҚОР ҒАДАИ

Хамза туманидаги «ХАЛС МАРКЕТ» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Строительная кўчаси, 1-уй.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Паркент тумани ҳокими Туроб Холтоева валоиди муҳтарамаси ЗАЙНАБ АЙНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕСПУБЛИКА об-хавони кузатиш бош бошқармаси мутахассисларининг маълум қилишларича, пойтахт ва Тошкент вилоятида 23-27 декабрь кунлари ҳароратда ўзгариш кам бўлади. Фақат ҳафта ўрталарида айрим ҳудудларда қор ёғади. Баъзи жойларга туман тушади. Шарқдан ғарбга ҳар соғияда 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари 9-14 даража атрофида илқ бўлади. Аммо, ҳафта охирига бориб ҳарорат 3-8 даража пасайиши мумкин.

«Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими жамоаси бўлимининг бадий раҳбари Зайнитдин Насриддиновга Осиё Содиқова Зумрадхон НАСРИДДИН қизининг вафот этганилиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИЮНЬ ойининг ўрталари. Янгиободнинг тунги хавоси этни жунжитиради. Узоқ-узокдан эшитилаётган хўроз кичкириги тун яримдан ошганлигидан далолат беради. Шу пайт кўрғоннинг Дукент кўчаси бўйлаб икки шарпа пайдо бўлади. — Ҳўв, қаёққа кетяпсан, Илхом, — орқада келаётган Файрат ҳамроҳига бўйиқ тўвшада шипшиди. — Етиб келдик-ку. — Э-ҳа, дарвоқе, шу уйни айтувдинг-а, — тўхтаб сигарета тутатади Илхом. — Сен шу ерда у ёқ-бу ёқни кузатиб тур, мен учинчи қаватга томдан тушиб, квартира эшигини очаман. Орадан беш-ўн дақиқа ўтмаёқ Файрат «белгиланган» хонанинг эшигини очди. Улар уй ичинини бемалол кўздан кеңиришди. 13000 сўмлик музлат-гич, 25000 сўмлик «Кама» велосипеди, 5000 сўмлик полос, биллур идишларни кўз очиб юмғунча, «ўлжа»га айлантиришди. Ҳатто, 1000 сўм пулни олишни ҳам унутмадилар. Тонг ёришмасдан икковалон Р. Эргашевнинг хонадонига ҳозир бўлишди. Файрат «Музлат-гич бор менда, керак бўлса сотиб олинг», — деди. Р. Эргашев ўз оёғи билан келган музлатгични кўздан кетказмай, сув текин нарҳда — 3000 сўмга сотиб олди. Қолган нарсалар ҳам ана шундай

Жинойатга жазо муқаррар ташқарига чиқди ва қоронғиликка ўзини урди. Кўзлари қонга тўлган Илхом билан Файрат унинг орқасидан қувшиди. Жароҳатланган Зиёдулла эса тез чопа олганлиги учун босқинчилардан бири унга етиб олди-да, қўлидаги темир билан кетма-кет ура бошлади. Энди Зиёдулла

ТУБАНЛИК

йигит Зиёдулла Ҳожиметовнинг овози эшитилди. — Шеригимнинг тоби қочиб қолди, оч, «Тез ёрдам»га кўнгирак қилиб олай! 16 ёшли Зиёдулланинги илоҳи қолмаган эди. Эшик олдида турган Илхомни ичкарига тақлиф этди. Лекин, унинг орқасидан Файрат кирди. Зиёдулла уларнинг бесаранжом нигоҳларидан ёмон ниятда эканлигини англади. — Сиз ташқарида кутсангиз ҳам бўларди, — деди норози оҳангда Зиёдулла Файратга. — Нима, кўчада кутаман? Эй мишики, мен сенинг эшик очганинги кутганим, — ўлдайлади Файрат. Шу пайт орқадаги Илхом Зиёдулланинги бошига бўш

берсин, урманлар, акалар! — ёлвора бошлади ўсмир. — Нима керак бўлса, олишлар, фақат жонимни омон қолдириллар. — Илхом, мўмайроқ даромадчи қўлга киритиш илжинда кирган босқинчилар Зиёдулланинги ёлворшига қўлоқ солишмади. Улар сўйфни очиниша ҳаракат қилишди. Лекин, сўйфни очиниша олмади. Улар бир кунлик савдо тушумини, керакли арок ва бошқа озиқ-овқатларни олишди. — Манави тирик гувоҳни шундай қолдириб бўлмайди, — деди Илхом. — Йўқ қилиш керак? Босқинчиларнинг максadini билган Зиёдулла қандай бўлмасин, дўкондан қочиб чиқини уларди. Бир амаллаб қўча эшигидан

бор кучини йиғиб олдинга интилар, югуриб кетаётди, уларнинг орқада қолаётганлигини сезиб борарди. Хуллас, у бир амаллаб амакисин, яъни дўкон мудири Ф. Усмоновнинг уйига ҳолдан тойиб, кириб борди ва уларни воқеадан воқиф этди. Зиёдулла оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Лекин, босқинчилар жиноятни содир этганларидан кейинқоз изларини яшириб улгуришган эди. Қўнлаб, оилаб ўтказилган қидирувлар натижасида жиноятчилардан бири Илхом Эргашев қўлга олинди. У илгари — 1991 йилда Янгиобод шаҳар суди томонидан 2 йил муддатга озоқликдан маҳрум қилинган эди. Янгиобод қўргони Муқимий кўчаси 44-уйда

истиқомат қилган бу шахс ҳеч қачон фойдали меҳнат билан шуғулланмаган. Ўғрилиқ билан кўннини ўтказиб келган И. Эргашевнинг кейинги содир этган жиноятлари фож этилиб, у шу йилнинг 14 сентябрий кунини Ангрен шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-модда, 3-қисм «А, Б, Г» бандларига асосан айбдор деб топилди ва 15 йилга озоқликдан маҳрум этилди. Жазо қатъий тартибдаги колонияларда ўтказилиши қайд этилди. Иккинчи жиноятчи яъни И. Эргашевнинг шериги Файрат Боймирзаев ўғрилиқ ботида «тажриба»си билан ҳамтововигдан қолшмади. У муқаддам ўғрилиқ ва бошқа жиноятлари учун икки марта судланган, белгиланган муддатларда қамқ жазосини ўтаб қайтган шахс. Лекин, у булардан ҳулоса чиқариш ўрнига яна ўғрилиққа, босқинчиликка қўл урди, тубанлик сари йўл тутди. Ҳозир бу шахс терговдан қочиб, яшириниб юрибди. Жиноятчи, албатта, қўлга тушади. Зотан, жиноятга жазо муқаррардир. Мунаввара ИСОҚУЛОВА, журналист, Мирўлат НИЁЗОВ, Ангрен шаҳар суди судьяси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ • ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Бosh муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ • Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. • Шелефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27. • Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.